



THE ISSUE OF THE NORM IN TRANSLATION

Munavvar Kurbanova Esonalievna,

doctoral student of the 3rd course of the Uzbek State
University of World Languages

kurbanovamunavvar1989@mail.ru



Abstract:

Like any social norm, the norm of translation is the norm that determines the behaviour of a particular society. Serser A.D. in his opinion, the social norm of translation includes a set of general rules that determine the choice of translation strategies.

Keywords:

Source text, translation, strategies.



Хар қандай ижтимоий меъёр каби таржима меъёри ҳам муайян жамиятнинг хатти-ҳаракатларини белгилаб берувчи механизм ҳисобланади. Швейцер А.Д. нинг фикрича, таржиманинг ижтимоий меъёри таржима стратегияси танловини белгилаб берувчи умумий қоидалар мажмуини ўзида мужассам этади¹. Натижада, ушбу қоидалар таржимон олдида жамият томонидан қўюлувчи талабларни ўзида акс эттиради. Улар шунчаки қотиб қолган талаблар бўлиб қолмасдан, улар бир маданиятдан бошқасига, бир даврдан иккинчисига ва матннинг бир туридан (жанридан) бошқасига қўчиб, ўзгариб туради. Аммо айнан бир адабий асарнинг иккита бир бирига замондош бўлган таржимонлар томонидан амалга оширилган турли таржималаридаги фарқларини фақатгина ижтимоий меъёрлар билан изоҳлаб бўлмайди. Бир даврда яшаб туриб, уларнинг ҳар иккаласи ҳам, илгари таъкидлаб ўтилган, таржима стратегиясини танлашнинг фақатгина энг умумий қоидаларини таклиф этувчи ижтимоий меъёрлар таъсири остида бўлади.

Хар бир таржимон ТО интерпретацияси эркилгини даражасини белгилаш, ўзгартиришлар киритиш даражаси каби муҳим масалани ҳал этиши лозим. Бунинг натижасида: ТМ – бу бирламчи матнми ёки аслиятга нисбатан олиб қаралганда иккиламчи матнми деган савол туғилади.

Маълумки, келиб чиқишига кўра бирламчи ва иккиламчи терминлари бир бирига ўхшаш. Уларнинг иккаласи ҳам бир маъноли эмас, яъни улар бир нечта маъноларни англатади. Бирламчи ва иккиламчи матнларни туб моҳиятини ҳамда уларнинг муносабатидаги ўзи хосликни англаш учун, бизнингча, “бирламчи” ва “иккиламчи” тушунчаларининг энциклопедик таърифларига мурожаат этиш ўринли бўлади. Шундай қилиб, “Рус тилининг катта академик луғати”да бирламчи сўзига «бирор нарса

¹ Бразговская, Е. Е. Текст культуры от события к событию. Логико-семантический анализ межтекстовых взаимодействий: Монография / Е.Е. Бразговская. Пермский государственный педагогический университет. – Пермь.: 2004. – С. 173.

ривожининг илк босқичи; даслабки, бошланғич, асосий, асос»² деган таъриф берилади, иккиламчига эса «иккинчи марта содир бўлаётган ёки амалга оширилаётган; бирор нарса ривожда иккинчи, кейинги босқични англатади; иккинчи даражали, қўшимча»³.

Дарҳақиқат, бирламчи матнга “асос” тушунчаси мос келади. Таржима назариясида “асосий матн” (инглизча «source text») термини ТОни ифодалаш учун бежизга қабул қилинмаган. ТОни иккиламчи матн фаолияти учун айнан “асос, асосий” («таянч») деб ҳисоблаш ўринли.

Иккиламчи матнга келадиган бўлсак, қуйидаги таърифларни келтириб ўтиш жоиз: «иккинчи марта содир бўлаётган ёки амалга оширилаётган ҳодиса» ва «бирор нарса ривожда иккинчи, кейинги босқичи».

Бирламчи ва иккиламчи матнларга таъриф беришнинг бошқа усуллари ҳам мавжуд, албатта. Мана масалан, Л. В. Мурзин «бирламчи ва иккиламчи матнларни улар тасвирлаётган объектлардан келиб чиқиб турларга ажратади: табиийки, бирламчи матнлар “бевосита кузатилаётган объектларни қандай бўлса шундайлигича тасвирлайди, иккиламчилар эса у ёки бу матнда мавжуд бўлган мавҳум объектларни тавсирлайди»⁴.

Таъкидлаш ўринлики, бирламчи матнни яратиш учун авваломбор мавзунини дунёга келтирувчи муаллиф ғояси талаб этилади. Иккиламчи матн эса ўша ғояни такрорлайди.

Сўнгги пайтларда таржима назариясида иккиламчи ҳодиса масаласи пайдо бўлди ва иккиламчи деб аталадиган матнлар ҳам тадқиқотчилар диққатини ўзига янада кўпроқ жалб эта бошламоқда. Бундай қизиқишнинг пайдо бўлиши табиий, чунки замонавий инсон яшаётган матнлар оламида иккиламчи матнларнинг улуши ўта юқори бўлиб қолмоқда. “Иккиламчи” термини “бирламчи” терминига қарама қарши қўйилмоқда, бу эса биз лум даражада бир бирига қарама қарши қўяр экамиз, оқибатда, улар бир бирдан фарқ қила бошлайди.

Таржималарни иккиламчи матн деб аташ қабул қилинган ва айнан иккиламчи даражани таржиманинг асосий белгиларидан деб атайдилар. Чунки, биринчидан, улар ўзга тил воситалари билан яратиладилар, иккинчидан эса, бундай матн ҳар доим ТО яратилгандан сўнггина дунёга келади.

Таржима – бу «эквивалентли» иккиламчи матн. Шундай қилиб, иккиламчи матн сифатидаги таржиманинг асосий белгиси айнан эквивалентликни кўрсатиш тўғри бўлади. Бу эса айнан таржима аслият ва таржима матнларининг ташқи тузилишида (нафақат ички) муайян параллелизмни талаб қилади деган гап. Таржима ўзининг келиб чиқишига биноан аслият матнига нисбатан нафақат семантик яқинликни, балки шаклий ўхшашликни ҳам кўзда тутади, чунки аксарият ҳолларда айнан шакл асосий маъно ясовчи элемент саналади ва иккиламчи матнни келтириб чиқариш жараёнини ТОдан иккиламчи матнга ўтишни таъминловчи тафаккурга оид операцияларнинг кетма кетлиги деб тасаввур қилиш мумкин.

Н. М. Нестерованинг фикрига қўра, иккиламчи даражалиликнинг белгиларидан бири бу “мутақил эмаслик”дир, яъни бунинг моҳияти шундай иборатки, ТМ муаллифлари ўзларининг эмас, балки ўзганинг ғоясидан фойдаланадилар. Табиийки, иккиламчи матн бирламчи матнга тобе бўлади. Ушбу тобелик барча сатҳларда – “мазкур иккиламчи матн ғоясини яратиш (тушунтириш босқичи) ва вербализация сатҳларида” намоён бўлади⁵.

² Даль В. И. Толковый словарь живого великорусского языка: современное написание: в 4 т. / В. И. Даль. Т.1, – М.: АСТ; Астель, 2001. 240 с.

³ Ўша манба. 410 б.

⁴ Нестерова, Н. М. Вторичность как онтологическое свойство перевода./ Нестерова Наталья Михайловна. – Пермь: ПГТУ, 2005. – С. 103.

⁵ Нестерова, Н. М. Вторичность как онтологическое свойство перевода./ Нестерова Наталья Михайловна. – Пермь: ПГТУ, 2005. – С. 132.

Шунга қарамай, таржима назариясида ТМ бирламчи матн саналадиган тенденциялар ҳам юзага келмоқда. Нега ТМни бирламчи матн деб ҳисоблаш қабул қилинган? Бундай матнларда таржимон ТМда асоссиз ўзгартиришлар киритишга жазм эта олади, натижада ТО муаллифининг услубини таниб бўлмайд қолади ва энди у таржимон услубига айланади.

Адабиётлар рўйхати.

1. Бразговская, Е. Е. Текст культуры от события к со-бытию. Логико-семантический анализ межтекстовых взаимодействий: Монография / Е.Е. Бразговская. Пермский государственный педагогический университет. – Пермь.: 2004. – 245 с.
2. Даль В. И. Толковый словарь живого великорусского языка: современное написание: в 4 т. / В. И. Даль. Т.1, – М.: АСТ; Астель, 2001.
3. Нестерова, Н. М. Вторичность как онтологическое свойство перевода./ Нестерова Наталья Михайловна. – Пермь: ПГТУ, 2005. – 143 с.